

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Күнғирот туманың бердән фойдаланиш
унитар корхонасы дахбари



Илчкаров
2022й

БҮЮРТМАЧИ:

КҮНҒИРОТ ТЙФУК

**2022 йил Реконструкция, жорий таъмирлаш ва ички
йулларни таъмирлашда фойдаланиладиган юк
ташиш хизматлари учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Күнғирот тумани -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:
Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллӣ Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хизматда шартнома асосида инерт материалларни ташиб келиш хизмати.
- 1.2. Танлов охирги қиймати – 100 683 450 сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати танлов якунланган кундан бошлаб хисобланади.
- 1.6 Юкори турувчи ташкилотлардан пул маблаги келиб тушгандан кейин.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Кўнғирот ТЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, К.Р. Кўнғирот тумани, Промбаза кучаси 2 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Кўнғирот ТЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтинослашган, юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети қийматининг камидаги 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;
танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
Низом маблағи миқдори.
3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

3.6. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкун.

3.7. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- Танлов обьектига ўхшаш обьектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда).

3.8. Тақдим қилинаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.